

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 57

13.01.2022 йил.

Октош шаҳарчаси.

“Маҳсуе эксеплатация мантаж бўлими” қуйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Б.Бекходжаев шахлигида бир томондан, иккинчи томондан “Тўрақўрғон нефт базаси” масъулияти чекланган жамиятининг қуйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.Файзиёв шахлигида, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузилди.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. “Етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келдирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Жадвалдаги нефт маҳсулотлари нархлари ёки автобензин маҳсулоти нефт омборига қараб тури (Ли-80, Ли-92, Ли-95) ўзгариши мумкин.

Нефт маҳсулотларининг тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сумда)	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма		
Бензин АИ-92		13 000 000											
Бензин АИ-80	1,0	10 800 000	10 800 000										
Тех Мўйлар		10 500 000											
Дизельниво	0,500	11 400 000	5 700 000										
ЖАМИ:	1,500		16 500 000										

1.3. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартномани тахминий умумий суммаси 16 500 000 сумни ташкил қилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, маҳсуе автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташинишда қуйиладиган барча эҳтиёж ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи»га нефть маҳсулотларини ташини буйича молиявий эъғирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қўйишга руҳсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоровий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиниш учун маҳсуе автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетишганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг маҳсуе автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташини “Хавфли юкларни ташини қондалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефт омборига киритилмади.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг маҳсуе транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилиниганиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хоҳишига қўра “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёниги тарқатиш шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг аниқноминасига мувофиқ маҳсулотни ёкиги тарқатиш шаҳобчасидан олиб туғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёниги тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритилади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран гулик олганини тўғрисида имзо қўйилган сана, “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл траснпортида етказиб берилганда, темир йўл нақладноийга юкни ташинишга қабул қилиниганиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденцати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиниш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эғалик ҳуқуқи, тасолифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган саналан олтиборан «Истеъмолчи»га утади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қўйиш учун олиб келинган автомобил – цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг буш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот маҳсуе автотранспортида ташиниладиган бўлса, транспорт ташкилотни зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

3. ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб – китоблар учун асое ҳисобланади. Ҳисоб – китоблар тўлов топширикнома асосида амалга оширилади.

3.2. “Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан қамида 5 кун олдин 100% миқдорида «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамини ҳақ қўлади.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га утган Хафтадаги биржа савдолари натижаларига қўра шакланган уртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шакланадиган нархларда сотади. Бунда «Етказиб берувчи» “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотлари расмийлаштириш кундаги нарх бўйича ҳисоб китоб қилади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотни ташини билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти қорхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга қўра ўзгарганда шартноманин умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади.

4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ КАБУЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Ўтказиб берувчи» нефть базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть махсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини урнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали махсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йуриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи «Ўтказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

4.3. Нефть махсулотларининг миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи», «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида» ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини олаётган вақтда жойида махсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Ўтказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортиш ва кузагувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим

5.3. Нефть махсулотларини олиб истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга

6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Ўтказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть махсулотларини ўтказиб беришни кафолатлайди. Ҳар икки томон нефть махсулотларини ўтказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть махсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини саклашнинг техникавий шарт- шaroитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради

6.4. «Истеъмолчи» томонидан ҳисоб ҳудудига олиб келинган нефть махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тулик амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олилмаган ва ўтказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Ўтказиб берувчи»га олилмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тулайди ва ўтказиб берувчи олилмаган махсулот учун махсулотнинг гулик қийматини ушларини ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунга биноан қўлланилади.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни тақдир қилмайдилар, ваъда бермайдилар, товламачилик қилмайдилар, пора сифатида пул туламайдилар, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайдилар ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир қилмаслиги шартини ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўриқилишига кафолат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларини бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар:

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilzila ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтиникига нисбатан заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан ўтказиб бериш ҳужми ва муддати узгартирилганлиги, шунингдек АЁҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть махсулотларини ўтказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига узгартириш киритилган ҳолларда.

8. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. _____ XXXXXXXXXX _____

9. ИМЗО, ҲАРИН ҚУРИБ ЧИҚИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИНИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай узгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг узаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон муваффақиятсиз ҳал эти олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусxada тузилди ва тенг ҳуқуқий қучга эга.

9.4. Шартнома томонлар уртасида имзоланишдан сунг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкиоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий филиалидан рўйхатдан ўтган кундан қучга қиради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

10. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Истеъмолчи»

«Турақўргон нефть базаси» МЧЖ

«Махсус эксплуатация мантаж бўлими»

Ҳ/р: 22604000204267762705

Мамаман ш. Шероziy 189
100021860144017045206110001
Ш/и: 201763176 ОК ЭД: 42110
Ҳ.з. Р. Мошаров, Жаъна - ги
Ҳ/р: 234020003001000001010

МФО: 00432 ИНН: 204585174

«Засаноатқуришбанк» АТБ

Майкент ш. Яшнобод филиали

Самарқанд ш. Бобур кўча 2-уй



Директор: Ш.Файзиёв

НСББ: А.Хусанбоев

Юридиконсульт: Х.Мухсиidinov



Рахбар: Б.Бекходжаев

Ҳуқуқий асос: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонунни талабларига зид эмас.

Ҳуқуқшунос: _____ Х.Мухсиidinov.